

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ

2024 йил 23 октябрь куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: судья Д.Валиев, судья ёрдамчиси Э.Ахатованинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар Сирғали туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Ахмедов, судланувчи [REDACTED] манфаатида ҳимоячи А.Каюмов, фуқаровий даъвогар “СА.Store” МЧЖнинг вакили [REDACTED], фуқаровий даъвогар “MEDIA HOME” МЧЖнинг вакили [REDACTED] иштирокида, Миртурдиев Мирманноп Магруппович ва Алматов Илхомжон Инагамджановичларга нисбатан 1-1011-2408/499-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1989 йил 22 апрель куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вояга етмаган уч нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2021 йил 13 октябрь кундаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан унга оид жиноят иши томонларни ярашганлиги муносабати билан тугатилган, [REDACTED]

[REDACTED] куни қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, соғлом, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

[REDACTED] 1983 йил 12 август куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вояга етмаган уч нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED], ушбу жиноят иши бўйича 2024 йил 11 август куни қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, соғлом, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувини тинглаб,



жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] билан бир гуруҳга бирлашган ҳолда, олдиндан тил бириктириб, ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш йўли билан мўмай даромад орттириш мақсадида, 2024 йил 23 июль куни соат 19:00 ларда, Чилонзор тумани, "Новза" МФЙ, Бунёдкор шоҳ кўчасида жойлашган "CA.Store" МЧЖга қарашли савдо мажмуасига олдиндан тузилган пухта режасига асосан кириб, савдо мажмуасида мижозларнинг гавжумлигидан фойдаланиб, савдо мажмуасининг маиший-техникалар савдо растасига сотувга қўйилган маиший техникалар ичидан, бир дона, баҳоси 16.649.136 сўмлик "Iphone 15 Pro" русумли телефон аппаратини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари [REDACTED] ўзининг жинойи фаолиятини давом эттириб, ўзаро бир гуруҳга бирлашган ҳолда, такроран, ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 30 июль куни соат 20:30 ларда, Сергели тумани, "Сўғдиёна" МФЙ, Янги Сергели кўчаси 110-уйда жойлашган "MEDIAPARK GROUP" МЧЖга қарашли савдо мажмуасида мижозларнинг гавжумлигидан фойдаланиб, савдо мажмуасининг маиший-техникалар савдо растасига сотувга қўйилган маиший техникалар ичидан, бир дона, баҳоси 18.233.000 сўмлик "Iphone 15 Pro" русумли телефон аппаратини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинишган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 23 июль куни [REDACTED] билан Сергели туманида жойлашган 5-сонли метро бекати олдида кўришиб, у ердан метрога тушиб, Чилонзор туманига йўлга чиқишганлигини, метрода таниши [REDACTED] "Новза" МФЙда жойлашган "Олин маркази" савдо мажмуасининг пастки қисмида телефон аппарати сотадиган "C.A.store" номли дўкон борлигини ва телефон аппаратини олиш мумкинлигини айтди, шунда у унга телефон аппаратини олишини, у еса атрофга қараб туришини айтганлигини, Новза метро бекатидан чиқиб "Олин маркази" савдо мажмуасига келишганлигини ва пастки қисмига тушиб "C.A.store" номли дўконига киришганлиги, у дўкон ходимлари билан гаплашиб юрганлигини бироз вақт ўтиб дўкон ходимлари йўқлигидан фойдаланиб, ойнадан ясалган растадан коробкада бўлган "Iphone 15 Pro" русумли телефон аппаратини дўкон ходимлари йўқлигидан фойдаланиб, телефон аппаратини олганлиги, [REDACTED] олдида борганлигини ва телефон аппаратини ўнг чўнтагига солганлигини, "C.A store" номли дўкондан таниши [REDACTED] билан



бирга чиқиб кетганлигини [REDACTED] билан Бунёдкор шох кўчасига чиқиб, Чилонзор метро бекатига борганлигини ва у ерда жойлашган телефон аппарати сотадиган дўконларга кириб чиқишганлигини, аммо телефон аппаратини ҳеч ким олмаганлигини, охириги дўкондан чиққанида уларга нотаниш бўлган бир йигит телефон аппаратини сотишини сўраганлигини, [REDACTED] 1.000 АҚШ долларига рози эканлигини айтганлигини, [REDACTED] нотаниш йигит билан савдолашиб 850 АҚШ долларига рози қилганлигини, нотаниш йигит 800 АҚШ доллари ва 625.000 сўм пулларни танишига берганлигини ва пулларни санаб олганлигини, у ердан чиқиб Ботирма МФЙда жойлашган "Алхоразмий" айланма йўлига келганлигини ва шу ерда жойлашган хўжалик моллари сотадиган дўкондан "разбоватил" ва 1.7 кг "МАК" номли моддани олганлигини, у ердан Сергели туманига Андрей исли шахснинг уйида ўзи билан олиб келган моддаларни суюқ ҳолатга келтириб 10 граммлик шприцларга олиб томирига юборганлигини, 2024 йил 30 июль куни соат 09:00 ларда, у ўзига олдиндан таниш бўлган [REDACTED] бирга учрашиб ўзаро шаҳар айланиб юрганлигини, шу куни соат 20:00 ларда, у ва [REDACTED] билан биргаликда Янги Сергели кўчасида айланиб, уларга пул зарур бўлганлиги сабабли қандай қилиб пул топишни ўйлаб юрган вақтида, "Медиапарк" савдо мажмуасини олдида ўзаро ушбу савдо мажмуасидан маиший техника ўғирлаб, ушбу маиший техникани сотиб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарф қилишга келишиб, савдо мажмуасига қирганлигини, ушбу савдо мажмуасида бироз айланиб, маиший-техникалардан бирини ўғирлашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли қайтиб чиқиб кетганлигини, ушбу кўчада 15 ёки 20 дақиқа айланиб, пул зарур бўлганлиги сабабли қайтиб ўғирлашга қарор қилиб, савдо мажмуаси олдида борганлигини, у савдо мажмуасида вазиятни ўрганиб тургунига қадар [REDACTED] дўкондан истеъмоли учун сув олиб келишга кетганлигини, у савдо мажмуасига кириб, савдо мажмуасининг телефон аппаратлари растасини бироз кузатиб, мижозлар камайганидан сўнг савдо мажмуаси эшигидан 3-4 метр узоқликдаги ўнг тараф девор қисмига қотириб қўйилган раста (витирина)ни ойнасини очиб кўрган вақтида ойнани очилганидан фойдаланиб, унинг ичида бўлган телефон аппаратлари ичидан "Iphone 15 pro 256GB" русумли телефон аппаратини коробка хужжатлари билан бирга олиб, секин ойнани ёпиб, савдо мажмуасидан чиқиб кетганлигини, ташқарига чиққан вақтида, [REDACTED] савдо мажмуасининг ташқи томонида у томонга қараб келаётганлигини кўрганлиги, [REDACTED] савдо мажмуасидан телефон аппарати ўғирлаб чиққанлигини айтганлигини, шу ердан такси тўхтатиб, Чилонзор тумани, Чилонзор метроси олдида борганлигини, таксидан тушгандан сўнг [REDACTED] телефон аппаратини хужжатлари билан сотиб чиқиши учун берганлигини, [REDACTED] телефон аппаратини шу



ерда телефон сотиладиган дўконга кириб, телефон аппаратини [REDACTED] исмли шахсга 850 АҚШ долларига сотиб, [REDACTED] исмли шахсдан 800 АҚШ доллари ва 625.000 сўм миқдоридаги пулларни олиб чиққанлигини, ушбу пулларни [REDACTED] билан биргаликда бир неча кун давомида ўзининг кунлик эҳтиёжлари учун сарф қилиб юборганлигини, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарлари тўлиқ қопланганлиги, қилмишидан пушаймондалиги, жазо тайинлашда енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 23 июль куни таниши [REDACTED] билан Сергели туманида жойлашган 5-сонли метро бекати олдида кўришганлигини, у ердан метрога тушиб Чилонзор туманига йўлга чиққанлигини, метрода таниши [REDACTED] "Новза" МФИда жойлашган "Олтин маркази" савдо мажмуасининг пастки қисмида телефон аппарати сотадиган "C.A.store" номли дўкон борлигини ва телефон аппаратини олиш мумкинлигини айтганлиги, шунда [REDACTED] телефон аппаратини олишини, у атрофга қараб туришини айтганлигини, Новза метро бекатидан чиқиб "Олтин маркази" савдо мажмуасига келганлигини ва пастки қисмига тушиб "C.Astore." номли дўконига кирганлигини, [REDACTED] дўкон ходимлари билан гаплашганлигини, бироз вақт ўтиб дўкон ходимлари йўқлигидан фойдаланиб, [REDACTED] ойнадан ясалган растадан коробкада бўлган "Iphone 15 Pro" русумли телефон аппаратини дўкон ходимлари йўқлигидан фойдаланиб, телефон аппаратини олди у шу вақтда атрофга кўз қулоқ бўлиб турганлигини, [REDACTED] олдига келганлигини ва телефон аппаратини ўнг чўнтагига солганлигини, "C.A.store" номли дўкондан таниши [REDACTED] билан бирга чиқиб кетганлигини, [REDACTED] билан Бунёдкор шох кўчасига чиқиб Чилонзор метро бекатига борганлигини ва у ерда жойлашган телефон аппарати сотадиган дўконларга кириб чиққанлигини аммо телефон аппаратини ҳеч ким олмаганлигини, охирги дўкондан чиққанида уларга нотаниш бўлган бир йигит телефон аппаратини сотишини сўраганлиги, у 1.000 АҚШ долларига рози эканлигини айтганлигини, шунда у нотаниш йигит билан савдолашиб 850 АҚШ долларига рози қилганлигини, нотаниш йигит 800 АҚШ доллари ва 625.000 сўм пулларни унга берганлигини ва пулларни санаб олганлиги, у ердан чиқиб Ботирма МФИда жойлашган "Ал хоразмий" айланма йўлига келганлигини ва шу ерда жойлашган хўжалик моллари сотадиган дўкондан "разбоватил" ва 1.7 кг "МАК" номли моддани олишганлигини, у ердан Сергели туманига [REDACTED] исмли танишини уйига борганлигини ва у ерда ўзи билан олиб келган моддаларни суюк ҳолатга келтириб 10 граммлик шприцларга олиб томирига юборганлигини, 2024 йил 30 июль куни соат 09:00 ларда



[REDACTED] билан бирга учрашиб ўзаро шаҳар айланиб юрганлигини, соат 20:00 ларда, у ва [REDACTED] билан биргаликда Янги Сергели кўчасида айланиб, уларга пул зарур бўлганлиги сабабли қандай қилиб пул топишни ўйлаб юрган вақтида, “Медиапарк” савдо мажмуасини олдида ўзаро ушбу савдо мажмуасидан маиший техника ўғирлаб, ушбу маиший техникани сотиб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарф қилишга келишиб, савдо мажмуасига киришганлигини, ушбу савдо мажмуасида бироз айланиб, маиший-техникалардан бирини ўғирлашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли қайтиб чиқиб кетишганлигини, ушбу кўчада 15-20 дақиқа айланиб, пул зарур бўлганлиги сабабли қайтиб ўғирлашга қарор қилиб, савдо мажмуаси олдида борганлигини, [REDACTED] савдо мажмуасида вазиятни ўрганиб тургунига қадар у дўкондан истеъмоли учун сув олиб келишга кетганлигини, у дўкондан сув олиб, савдо мажмуаси олдида келган вақтида [REDACTED] савдо мажмуасидан чиққанлигини кўрганлигини, [REDACTED] унга савдо мажмуасидан бир дона “Iphone 15 pro 256GB” русумли телефон аппаратини каробка-хужжатлари ўғирлаб чиққанлигини, телефон аппаратини сотиши кераклигини айтганлиги, сўнг [REDACTED] билан биргаликда Чилонзор туманидаги Чилонзор метроси олдида бориб, таксидан тушганлигини, [REDACTED] шу ерда уни кутиб турганлигини, ўғирланган “Iphone 15 pro 256GB” русумли телефон аппаратини телефон сотиладиган дўконлардан бирига кириб, [REDACTED] исмли сотувчи хужжатларини кўрсатиб, телефон аппаратини ўзига тегишли эканлигини, пулни зарур эканлигини айтиб, 850 АҚШ долларига сотиб, [REDACTED] 800 АҚШ доллари, 625.000 сўм миқдордаги пулларни олиб чиқиб кетганлиги, ушбу пулларни [REDACTED] билан биргаликда бир неча кун давомида ўзининг кунлик эҳтиёжлари учун сарф қилиб юборганлигини, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарлари тўлиқ қопланганлиги, қилмишидан пушаймондалиги, жазо тайинлашда енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, у 2024 йил июнь ойидан буён Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси 110-уйда жойлашган “MEDIA HOME” МЧЖ раҳбари лавозимида фаолият юритиб келаётганлигини, уларни МЧЖни маиший-техника воситаларини фуқароларга нақд шаклда ва маълум муддатга бўлиб тўлаш шаклида сотиш билан шуғулланиб келишлигини, уларни савдо мажмуаси ҳудуди тўлиқ камералаштирилган бўлиб, ушбу камераларини сони 40 доналигини, МЧЖ ҳудудида хавфсизликни таъминлаш бўйича бир суткада 3 нафар ходим назоратни амалга ошириб боришганлигини, 2024 йил 30 июль куни соат 20:40 ларда, номаълум шахс уларни савдо мажмуасига кириб, мижозларнинг гавжумлигидан фойдаланиб, телефон аппарати сотиш бўлимидаги деворга ўрнатилган ойнали



шкафда турган баҳоси 18.336.000 сўмлик, 256 гб хотирага эга бўлган “Iphone 15 pro” русумли телефон аппаратини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинганлигини, савдо мажмуасида видеокузатув мосламаларига [REDACTED] ва [REDACTED] томонидан ўғирлик жинояти содир этиш жараёни тўлиқ тушганлигини, ҳозирда судланувчининг оила аъзолари томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай моддий даъвоси йўқлигини, судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, у 2020 йилдан бошлаб, “С.А.Store” дўконида савдо менежери бўлиб ишлаб келишлигини, мазкур дўкондаги моддий-товар бойликлар жавобгарлик вазифаси ва ишчиларни назорат қилишлигини, 2024 йил 24 июль куни савдо дўконидаги маиший-техника инвентаризациядан ўтказган вақтида бир дона “Iphone 15 pro” русумли телефон аппаратини кам чиққанлигини аниқланганлиги, барча ходимлардан мазкур телефон аппарати ҳақида сўраган вақтида, ходимлар ушбу телефон аппаратини олишмаганлигини айтишганлиги, сўнг савдо мажмуасидаги кузатув камера хотирасидаги видеотасвирларни кўздан кечирган вақтида, 2024 йил 23 июль куни кейин шахсини билган [REDACTED] ва [REDACTED] телефон аппаратини ўғирлаб кетганлигини кўрганлиги, [REDACTED] четроқда туриб, атрофни кузатиб турганлигини, [REDACTED] эса қўли билан савдо растасидаги ойнани очиб, телефон аппаратини олиб, эгнида бўлган шимига солиб, шериги билан чиқиб кетишганлигини кўрганлиги, шундан сўнг мазкур видеотасвирларни хотирага кўчириб олиб, ўғирлик юзасидан ИИБ ходимларига хабар берганлигини, мазкур телефон аппаратини нархи 20.064.500 сўмни ташкил қилишлигини, судланувчининг оила аъзолари томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчиларга нисбатан унинг ҳеч қандай моддий даъвоси йўқлигини, судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Булардан ташқари, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] айби жиноят ишида аризалар, дастлабки суриштирув ҳужжатлари, нарсани кўздан кечириш баённомаси, ашёвий далил қарори, юзлаштириш баённомалари, видеоёзувни кўздан кечириш баённомаси, фотоиловалар, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомалари ҳамда бошқа жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлар билан ҳам тўлиқ исботланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Алматов ва [REDACTED] ўғирлик, яъни “С.А.Store” МЧЖнинг 16.649.136 сўмлик мулкни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб яширин равишда талон-торож қилиш жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг



“в” банди;

- такроран, [REDACTED] “MEDIAPARK GROUP” МЧЖга тегишли 18.233.000 сўмлик мулкни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб яширин равишда талон-торож қилиш жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 49-бандининг 6-хатбошисига мувофиқ, шахс Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганликда айбдор деб топилганда жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинланади (ЖКнинг 33-моддаси).

Суд юқорида қайд этилган Пленум қарори талабига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси тартибида жиноятлар мажмуига кўра, судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан жазо тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорини 3-бандига биноан, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Суд юқорида қайд этилган Пленум қарори талабига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] ушбу жиноятни қасддан, ғаразли ва паст ниятларда содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ва унинг айбига иқрор бўлиб ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, оилавий аҳволини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари ва турмуш ўртоғи борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, шахсини, жинояти оқибатида етказилган моддий зарарлар жабрланувчиларга тўлиқ қоплаганлиги эътиборга олиб, бу ҳолатларни айбининг шакли ва даражаси жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жиноят содир этган моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб топади.



Суд, судланувчи [REDACTED] ушбу жиноятни қасддан, ғаразли ва паст ниятларда содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ва унинг айбига иқрор бўлиб ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, оилавий аҳволини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари ва турмуш ўртоғи борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, шахсини, жинояти оқибатида етказилган моддий зарарлар жабрланувчиларга тўлиқ қоплаганлиги эътиборга олиб, бу ҳолатларни айбининг шакли ва даражаси жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жиноят содир этган моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд, жиноят иши бўйича фуқаровий даъвогар “CA.Store” МЧЖнинг вакили [REDACTED], фуқаровий даъвогар “MEDIA HOME” МЧЖнинг вакили [REDACTED] уларга етказилган зарар тўлиқ қоплангани ҳақидаги аризаларини инобатга олишни ва жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 2 дона DVD-R диск иш ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўллаб, 1 (бир) йил олти (6) ой муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 11 августдан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



Ўзбекистон Республикаси
ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси
қўллаб, 1 (бир) йил олти (6) ой муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 11 августдан бошлаб
ҳисоблансин.

нисбатан қўлланилган қамоқда сақлаш эҳтиёт
чораси аслича қолдирилсин.

Жиноят иши бўйича фуқаровий даъвогар “CA.Store” МЧЖнинг
вакили, фуқаровий даъвогар “MEDIA HOME” МЧЖнинг вакили
уларга етказилган зарар тўлиқ қоплангани ҳақидаги
аризаларини инобатга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ашёвий далил тариқасида
олинган 2 дона ДВД-Р диск иш ҳужжатлари билан бирга сақлаш учун
қолдирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн
сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган
кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент шаҳар
судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция
тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят
ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Д.Валиев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Д.Валиев

